

ИЖТИМОЙ-ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ

А. ДАВЛАТОВА*

Маълумки, жамият бир текисда ривожланмайди, тараккиёт хар доим узлуксиз давом этмайди. Хар бир миллат муайян даврда цивилизациянинг юкори дараҷасига кўтарилади, гоҳ таназзул гирдобига тушади. Табиийки, таназзул ҳам интихосиз эмас. Тарихий жараёндаги эврилишлар муайян жамият ҳёти ва адабиётига таъсир кўрсатиши, тафаккур тадрижида янги ўсишга замин ҳозирлаши, оқибатда "ўйғониш"ни бошлаб бериши мумкин. Жамиятни пайдо китувчи омиллар ва уни ривожлантирувчи усуслар ҳакила кишилик тафаккурида жуда кўп карашлар мавжуд.

Шарк ва Фарб файласуфлари кадимдан кишиларни ўюшишга олиб келувчи омиллар тўгрисида бош котирган. Масалан, Ибн Сино: "Инсон жамиятдан ташкари яшаши, меҳнат килиши мумкин эмас. Шунга кўра, эҳтиёжларини тўлалигича кондириш учун кишилар бирлашишлари зарур" – дейди. Ўз навбатида, хар бир шахсadolатли жамиятни орзу килади. Шундай килиб, истикбол улар тафаккурида у ёки бу кўринишида зухур этиб боради.

Гап кишилик жамоаси ва улар ўллаб чиккан "олий жамият" ҳакида борар экан, антик даврдан то ҳозирги кунга кадар бу хусусдаги фикрлар такомилида муайян ворисийликни кузатиш мумкин. Дастроб маданиятнинг кадимги бешникларидан хисобланмиш юонон фалсафасида факат ҳаёлдагина тиклаш мумкин бўлган давлат тўгрисида ибтидоий фикрлар учрайди. Платон "Давлат" асарида энг яхши, аъло, мумтоз жамиятнинг дастробки манзарасини – чизгиларини беради. У давлатнинг бошқарув тизимиға баҳо бериб, жамият аъзоларини уч табакага бўлади: хукмдорлар – файласуфлардан иборат давлат бошқарувчилари; ҳарбийлардан таркиб топган кўрикчилар; ишлаб чикарувчилар синфи. Олимнинг фикрича, табакаланиш кишиларнинг салоҳияти, билим даражаси ва табиатига кўра вое бўлса, жамиятнинг идеал кўринишига акс таъсир эта олмайди. Шу ва шунга ўхшаш гоялар антик давр мутафаккирлари ижодида кайсиdir мъянода асосий ўринни эгаллаган. Дунёкарашдаги бундай эврилишлар жамият аъзоларининг ижтимоий ва бадиий тафаккурига ҳам таъсир ўтказди. Гомер, Аристофан, Софокл, Эврипид, Аристотель, Плутарх, Цицерон асарларидаги ижтимоий-эстетик идеалга оид фикрлар буни тасдиклайди.

Табиийки, эстетик идеалнинг Шарк ва Фарбдаги кўринишилари, бадиий талкинида тафовутлар мавжуд.

Шарк фалсафасиннинг бой тарихини кузатганда, Зардустнинг муazzам "Авесто"сидан тортиб. Юсуф Ҳос Ҳожиб, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Жалолиддин Довоний ва бошкаларнинг асарларида "иж-

ти моиёт", "одамлар ва инсонийлашган идеал жамоа"лар тўгрисида фикрлар учрайди. Бу ўзбек давлатчилиги, жумладан, адабиётига ҳам хос.

XIX аср охири – XX аср бошларида мусулмон Шаркида майдонга келган сиёсий, ижтимоий, маданий ўзгаришлар ўзбек заминида жадидчilik деб ном олган курдатли характератга асос солди. Жадидчilik мактаб, маориф ислоҳидан жамият ислоҳигача бўлган масалаларни камраб олди. Бунда аввало, маърифат кучига ёътибор қаратилди. Лекин улкан мақсадга эришмок учун бунинг ўзи етарли эмас эди. Натижада санъат ва адабиёт ҳам гояга хизмат эта бошлади.

Кишилар онгини ўстириш, пировардда мукаммал жамиятга эришиш тамойилларини ишлаб чикиш учун нима килемок лозим? Матбуот, санъат ва адабиёт ҳам мана шу савол атрофида мулоҳаза юритди. муммога муоложа излади. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мундарижасини кузатадиган бўлсан, унда комил инсон ва жамият тасаввурини берадиган фикрлар, асарлар анча салмокли эканига гувоҳ бўламиз. Шу боис бу давр адабиёти ижтимоий-эстетик идеал талкини ўзига хос экани билан ажраби туради.

"Идеал" атамаси мукаммалик ҳакидаги тасаввур мъяносини бериб, бадиий адабиётда муҳим ўрин тутади. Миллат равнаки, эркни фаровон турмуш тарзига эришиш бош вазифа даражасига кўтаришган миллий уйғониш даврида зиёлилар ижодида бу мавзуз қайта ва қайта қаламга олинди. Махмудхўжа Бехбудий: "Миллатлар қандай тараккий этарлар?" маколосида (Самаркан. 1913 йил, 30 июн): "Бугун ислоҳи мактаб, мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш килинмаса, бир аср сўнгра диёнат барбор бўлур ва унинг масъулияти бугунгиларга колур. Бу масъулиятдан қутулмок учун миллатни диний или ва дунёвий илм-фанлар билан ўқимок учун тарғиб кильмок керакдир", – деб ёзди. Бехбудий сингари ҳар бир жадид зиёлиси "мусулмонларга илм лозим, амал лозим, ўқимок лозим" позициясида ижод килди ва миллатни шунга давват этди.

Фитрат жадид адабиётидаги энг сермаҳсул асарлар ва фалсафий ҳулосалар билан йўғрилган фикрлар муаллифи сифатида кадрланади. Бу ҳакда Чўлпон: "У вактларда биз ҳамма ўзбек ёш ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик", – деб ёзди.

*Кел, ғулим, кел аёқингга ийқилай,
Бирзамон қўй: тўлиб-тошиб ийглай.
Қўй, бир оз қўйки, хоки поингни
Сурмадек ёшли кўзума сурай.
Мени беҳудага ташладинг-кетдинг
Нега ўлдирмадинг-да тарк этдинг (1)*

* Давлатова А. – Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ ўзбек филологияси факультети аспиранти.

Ушбу мисраларда лирик каҳрамон, унинг изтиоблари зохирлан гўзал малак муҳаббати туфайли пайдо бўлгандай туюлса-да, шеър замираидан озодлик, эрк масаласи турганини сезиш кийин эмас. Бандлардаги “кел”, “гулим” (л), “аёқингга”, “Йикилай”, “Йиглай” (к, ай) сўзлари ўзига хос ритмни вужудга келтириши баробарида мазмун тасвирчанлитиги ва бадииятини ҳам таъминлашда муҳим ўрин тутган. Чўлоннинг кўйидаги мисраларини ҳам шундай талкин этиш мумкин:

*Кел, ючоқлай, кел кўлингни, бармогингни бир кўрай,
Кел, кўзингга кўз солай, кел кўрай, сўнгра ўлай(2).*

Кофия, ритм, тасвирда мутаносиблик мавжуд. Бадиий ижоддаги бу каби уйғуллик жадид адиллари мероси учун хос хусусият. Миллий уйгониш адабиётида идеал атамаси очик кўлланмайди. Шунга карамай, жамият тарақкиёти ҳакида гап кетганда, асарлар асосан даъват руҳида ёзилганини таъкидлаш лозим. Масалан,

*Оеир йигит! Сенинг гўзал, нурли кўзингда
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўқудим.
Ўйлашинда, туришинда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун кутулишининг борлигин кўрдум.
Турма-югар, тинма-тириши, букилма-юксал,
Хуркма-кириш, кўркма-ётиш, йўрима-кўзгал!*

Фитратнинг “Ўгит” шеъридан келтирилган бу парчада “оғир йигит” образига миллат баҳт-саодати учун курашга шай типик каҳрамонга идеалга мутаносиб вазифа юклangan. Бундан ташкири, “Мунозара” асарида муаллиф фарангни киёфасида миллат турмушидаги колоклик, таназзул сабабини тарақкийга рағбат килинмаганида деб очик кўрсатади:

“Сиз ҳам таҳсил кўрсангиз телеграф сими тортасиз, оташ ароба курасиз. Куръоннинг асрорини тушунасиз, Ватанингизни бегоналарнинг дастидан ҳолос этасиз. Мулдорлик, усули тижорат, зироатни ўрганиб, ўз мамлакатнингизни обод килинг, ўз миллатнингизни асорат занжиридан ҳолос киласиз”(3).

Абдулла Авлоний ҳам Фитрат сингари илм таҳсилини комилликнинг энг биринчи шарти деб билди. Унинг “Туркӣ Гулистан”и нафакат ўз даври учун муҳим бўлган, балки ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган ижтимоий-эстетик фикрлар мажмусидир. Унда баён килинган фатонат, назофат, сайд-гайрат, интизом ва хоказо бандлар аввало мукаммал жамият пойдевори бўлмиш баркамол авлод тарбиясига қаратилган. “Иктинос” бобида “..Ҳозирги замонда максудга етмак учун ўз миллатига хизмат қилмак, ҳалкга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдир. Оламдаги ҳама миллатларнинг ҳол ва курдатлари мол ва бойликлари ила ўлчанур..Мол топмакликининг энг баракатли йўллари: хунарчилик, экинчилик, чорвачилик ва саводгарчиликдир. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонда билим лозимдир”(4).

Мукаммал жамиятни барпо этиш ва бу йўлдаги муҳим шартлар тўғрисида биринчилардан бўлиб, мuloҳаза юритган антик давр файласуфи Платон индивидуумларни уч гурухга бўлиб, доноликни асосий ўринга, хунарманд ва дехконларни ишлаб чиқарувчилар синфиға киритган эди. Авлоний ҳам жамият куризмасида ўзига хос тавсиялар берган дейиш мумкин. Яъни “максудга етмак” учун фойдали бўлган муайян гоя йўлидаги ҳаракат билан миллатга хизмат килиш, унинг иктиносидий, маданий, маънавий эҳтиёжини кондириувчи чораларни жорий килиш ва ҳоказо. Булар идеал жамиятни таъмин этувчи воситаларнинг асосийлари.

Жадид адабиёти ва публицистикасидан ҳам шунга монанд фикрларни кўпладб келтириш мумкин. Айрим ўринларда мөхиятан ўҳшашиблик сезилса-да, ифода усувлари, жанр хусусиятлари кескин фарқ килади. Бу даврнинг яна бир зиёли ижодкори Сиддикӣ-Ажзийнинг “Миръоти ибрат” достонини ижтимоий идеалнинг айнан намунаси дейиш мумкин. Унда айни жамиятдан айри “олиймаком” турмуш тарзига асосланган юрт манзараси берилади. Ғарб фалсафасида бу хилдаги қараш “утопия” истилохи билан машҳур. Утопия тарихига XIV асрда яратилган “Кокейн ўлкаси” поэмаси асос бўлган, леган фикрлар бор. Томас Мор “Утопия”сидан қарийб иккни юз йил олдин ёзилган бу асарда факатгина тўкин ҳаёт масаласи қаламга олинган. Кокейн ўлкаси жаннат билан киёсланиб, муаллиф “ўз олами”ни ундан-да устун кўяди. Қизиги шундаки, Кокейн ўлкаси Испаниянинг шимолидаги денгиз оролларида жойлашган. Англиялик тарихчи А.Л.Мортон асар сюjetини кельтлар мифологияси билан боғлади. Жадид адабиётининг кўзга кўринган вакили И. Гаспринскийнинг ижтимоий идеал талкинига бағишиланган “Дор ул-роҳат мусулмонлари” асари воеалари ҳам Испания билан боғлик. Яъни одамлар кўзидан яширин жамоа қадим Андалусияда мавжудлиги қаламга олинган. Шу тарика гоҳ мифлар, гоҳ орзу-хаёллар тасвирида яратилган асарлар мундарижаси бойиб борди. Ғарб адабиёти билан таниш бўлган Гаспринский ижодида бундай гояларнинг мавжудлиги табиий ҳол эди. Гарчи у Ғарб дунёкаришидан илҳомланган бўлса-да, асарларида ўзига хос миллий жамият манзарасини яратди. Ўз навбатида, унинг издошлари бўлмиш ўзбек жадид ижодкорлари асарларида бундай қарашлар янада ривожлантирилди.

Юкорида таъкидлаганимиз Ажзийнинг “Миръоти ибрат”и фикримиз исботидир. Достонда тарих, бугун ва келажак хусусида сўз боради. У “кеча” ва “эрта” тасвирини мукояса килиш асносида, истикболнинг мавжуд давр учун мутлако бетона бўлган техникавий ва фанний курдатини “башорат” килади.

*Дошдин ҳама ер иморат ўлмиши,
Бу янгича шаклу ҳайъат ўлмиши.
Бингларча трамву, афтомуబил
Ҳар ерда электр ила қандил.*

"Миръоти ибрат" ("Ибрат кўзгуси") хаёлий асар бўлиб, Ажзий хаёлий мамлакатларга сайр килади. Кўз ўнгида намоён бўлган ўзининг ва Беҳбудийнинг она шахри Самарқанднинг орзуидаги тимсолини ифодалайди (5).

*Ойинаи барқ шла телефон,
Сўйлашимака ҳар киму бир учун.
Манзур эди кўзгуда мухотаб,
Ҳар ким тилифуна айласа габ(6).*

Монтененинг "Теран хаёллар вокеликни юзага келтиради"- деган сўзлари айни ижтимоий-эстетик идеал ҳакидадир. Дарҳакикат, аввал идеал орзулар пайдо бўлади. Кейин эса у ҳакикатга — вокеликка айланади. Тарих бунга кўп бор шоҳид бўлган. Ажзийнинг мазкур шеъридаги каби ерадан анча вакт ўтиб, ўз тасдигини топган ва топаётган фаразлари хам буни тасдиклайди.

Шунингдек, бу давр адабиётида жамиятнинг узвий бирлиги хисобланган оила, фарзанд тарбияси, маънавий-ахлоқий тамойиллар, хотин-кизлар учун алоҳида кўрсатмалар учрайди. (Беҳбудий. "Падаркуш", Фитрат "Оила", Авлоний "Туркий гулистан ёхуд ахлоқ", Сайд Ахорий "Оила китоби" ва бошқалар).

Абдулла Қодирий эстетикасида хам, Чўлонон фалсафасида хам идеал тушунчалиги ягоят кўп кирпали, сермально, серкатлам. Зоро, ҳар кандай жамиятни орзу-идеалсиз, ҳар кандай чинакам адабиёти эса санъаткорининг ижтимоий-эстетик идеалисиз тасаввур килиш мумкин эмас (7).

Қодирийнинг "кўнгил янгилик истайдир" кабилидаги ижод жараёни ўзбек адабиётида чин маънодаги янгилик бўлгани аён. "Ўткан кунлар" романни тарихимизнинг энг кирлик, кора кунлари бўлган кейинги хон замонлари"да бўлган давр манзаралари тасаввурини беради. Ёзувчи тарихийлик тамойилидан фойдаланиб, замондошлари ютуқ ва фожиасидан сўз очади.

Баъзан сўзловчи ўз фикрини яхширок тушунтириш, ифода мукаммаллиги ва таъсирчанлитини ошириш учун бирор ҳикмат келтиради. Бадий адабиёт учун тарих худди шундай ҳикмат вазифасини ўтайди. Яъни ижодкор ўз даври ҳакикатларини етказиб беришда хам, эстетик идеали талкинида хам материалдан қулай усул ва муҳим восита сифатида фойдаланиди, холос (7).

Қодирий худди шу усул асосида эстетик идеалнинг бадий талкинида ўзига хос даражага кўтарилиди. Биргина Кумушбиби образи муаллиф ўзи орзу килган мукаммалликнинг барча шартларини мужассам этган. Лекин идеал қаҳрамон қусурлардан тамомила холи деган хулоса чикармаслик, унинг инсонлигини унутмаслик лозим. Юсуфбек ҳожи, Кутидор, Кумуш ва Отабекларда идеалга хос фазилатлар билан бир каторда камчиликлар хам мавжуд. Кумушнинг кундошини ёзгириши, Отабекнинг ҳакиқат йўлида ўз ғанимларини маҳв этиши бунинг тасдигидир. Аммо булар идеал қаҳрамоннинг ижобий фазилатлари соясида колиб кетади.

"Сафсар гули кора атлас кўйнагини кийиб, бошиға зангор шойи рўмолини солди ва марварид кўзли кичкина олтин ҳалкани кутидан олиб кулоғига тақди. Шу соддагина ясанишдан сўнг, иккинчи токчада тироғлик турган кўзгу ёнига борди. Кўзгу ичидан тўзгиб,чувалиб кўринган соч толаларини тўғрилаб ўзини кузатди. Кўзгу ичидан кўринган мАлак ўз эгасини хам кайфлантириб секингина илжайиб кўйган эди, нариги ёқдаги фитнаи даврон хам садафдек оқ тишиларини ёқут каби иринлари орасидан кўрсатгандек бўлди... латиф бурни ёнидаги кора ҳолини табиийлигига ишонмагандек кашиб кўрди ва кўзгу ёнидан жўнади. Жўнар экан, "чиroyлик бўлса хам меникидек холи йўқдир" деб кўнглидан кечирди" (8). Кумушнинг бу кечинмаларида ички гурур, душманига нисбатан беписандлик хисси бўй кўрсатган. Бинобарин, Кумуш хам инсон. У бу каби хусусиятларига қарамай, Қодирийнинг эстетик идеали ўларок китобхонга манзур қаҳрамон даражасида тасвиrlанган.

Маълумки, жамиятда хам, ижтимоий онгда хам ўзгариш ўз-ўзидан содир бўлмайди, оқибат албатта сабаб фактори билан боғлик. Ёки аксинча, шахс дунёкарашининг узвий бирлиги бўлган идеал тушунчалиги хамма даврлар учун хос, лекин уни излаш усуллари, унга олиб борувчи йўллар турлича. Инсон ўзи мансуб бўлган мухит, ўзининг ва жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатидан коникмаслиги боис хаёлий тимсолларга эҳтиёж сезади. Ҳатто, тафаккурида шаклланган эстетик идеалининг айrim хусусиятларини ўзига хам сингдира боради. Ҳудди шу каби жамият аъзолари ижтимоий тафаккурида акс этган келажак киёфаси муайян даражада жамият хаётида ўз ифодасини топиши, баъзан эса унга таъсир ҳам этиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I-жилд. Тошкент. "Маънавият" 2000, 45-бет.
2. Ўша манба. 41-бет.
3. Ўша манба. "Мунозара" асари, 93-бет.
4. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият", 1998.
5. Ингборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент, "Маънавият", 2001, 29-бет.
6. Ибрат Ажзий Сўфизода. Танланган асарлар. Тошкент. "Маънавият", 1999, 188-бет.

7. Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи. Ном. дисс. Тошкент., " 1994 йил, 3-бет.
8. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент, "Шарқ", 2004, 167-бет.
9. Акиф Багиров. "Бадиий идеал ва тарихий ҳакиқат", ЎТА, 1997, 2-сон, 19-бет.

РЕЗЮМЕ

Статья Давлатовой Адибы на тему “Социально-эстетический идеал и его толкование возрождения” посвящается взаимоотношению эпохи и литературы, проблеме воздействия социально-политических изменений на эстетическое мышление.

SUMMARY

The article “The Problem of social aethetic ideal in the literature of national reviveal” is devoted to the relations of epoch and literature problems interacting social and political changes to aethetic thinking.